O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV. №

*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2006 йил
8 июль
ШАНБА

№ 53
(11.856)

1928 йил 11 декабрда асос солинган • Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси • Эркин нархда сотилади

## Бўстонлиқ тумани: ҲАР ГЎШАСИ МЎЪЖИЗА

### 1. ЧАШМАЛАРИ КАБИ МУСАФФО ЗАМИН

**Вилоятимизнинг хушманзара, баҳаво гўшалари хусусида гап кетганда, шубҳасиз, энг аввало, Бўстонлиқ тумани тилга олинади. Бу мазкур ҳудудга табиат ато этган беназир бойлик, боқий иноят, мислсиз имкониятлар эътирофидир, десак хато қилмаган бўламиз. Айниқса, мамлакатимизнинг Мустақиллик йилларида Бўстонлиқ табиат қучоғи, тоғу тошлар қуршовидаги шунчаки сўлим маскандан жадал ривожланаётган саноат марказига айланиб, кўркам, замонавий қиёфа касб этиб бормоқда.**

Бўстонлиқ — нафақат вилоятимиз, балки, бутун мамлакатимиздаги энг йирик туманлардан ҳисобланади. Туманнинг умумий ҳудуди 492948 гектарни ташкил этади. Бу ердаги 48 та аҳоли пунктларида 145 мингга яқин киши истиқомат қилади. Туманда халқ хўжалигининг деярли барча тармоқлари сезиларли даражада ривожланиб бораётганини кузатиш мумкин. Хусусан, қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, савдо, маиший хизмат, шунингдек, ижтимоий соҳаларда эришилаётган салмоқли муваффақиятлар, оддий инсонлар турмуш тарзида юз бераётган янгиланиш ва ўзгаришлар хусусида бетўхтов ҳикоя қилиш мумкин.

— Туманимиз чиндан ҳам Ҳизр назар солган юрт, — дейди туман ҳокими Қамбарали Эшонқулов. — Бу ерга келган ҳар бир инсон ўзини чинакам шу гўзал юрт, шу жаннатмонанд ўлка фарзанди эканлигидан фахрланиши, кўнглида она табиатга, Ватанга муҳаббат, бурчдорлик ҳислари жўш уриши аниқ.

Дарҳақиқат, бу ерда ҳар қадамда табиат сир-синоати, мўъжизаларига гувоҳ бўлиш мумкин. Угам, Писком, Кўксув, Чотқол, Оқсоқота, Оқтош каби азим дарёлар шиддатига бир зум термулган кишининг кўнгли ҳаётбахш чашмалардан сув ичгандек, пурвиқор тоғлар салобатига боққан инсон яна қандайдир улуғвор туйғуларга асир бўлиши шубҳасиз. Тоғу тошларни сиқиб, урилиб-чатнаб, қайнаб отилаётган булоқлар эса эзгулик ва софликдан сўзлаётгандек.

Бугун туманда юздан ортиқ дам олиш масканлари, 40 га яқин болалар оромгоҳлари ишлаб турибди. Уларда ҳар мавсум 100 минглаб инсонлар, навқирон ўғил-қизлар ҳордиқ олиб, саломатликларини тиклаб қайтадилар. Янгидан ташкил этилиб, энг замонавий талаблар асосида хизмат кўрсатаётган ҳордиқ



масканлари узоқ-яқин хорижликлар эътиборини ҳам тортмоқда.

Кейинги йилларда туманнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаёти тубдан ўзгарди, ривожланди. Энг олис қишлоқ ва қўрғонларга ҳам электр, иссиқлик, алоқа, табиий газ, тоза ичимлик суви тармоқлари кириб борди. Хусусий тадбиркорлик, кичик бизнес мислсиз даражада ривожланмоқда. Мисол учун туманда 2003 йилда кичик корхоналар сони 102 тани ташкил этган бўлса, ўтган йил ниҳоясига келиб, улар сони 800 тага етиб қолди. Шунингдек, 8 та йирик хорижий сармояли қўшма корхоналар фаолияти йўлга қўйилди. Аҳолига турли тармоқ ва йўналишлар бўйича хизмат кўрсатувчи, савдо, маиший хизмат, алоқа, транспорт, қурилиш шаҳобчалари сони ҳам кескин кўпайди. Айни пайтда юқори самарадорликка эришиб иш юритаётган «Ғазалкентойна» Ўзбекистон-Америка-Нидерландия, «Бўстонлиқсут» Ўзбекистон-Америка, гранит ва мармар ишлаб чиқарувчи «Каст» Ўзбекистон-Италия-Дания, «Golden Wing» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхоналари довруғи бутун республикага таралган, десак муболаға бўлмайди. Сойлиқ қишлоғида барпо этилган яхна ичимликлар ишлаб чиқарувчи «Гидролайф» корхонаси маҳсулотлари ҳам экологик тоза, соф ва мусаффолиги билан барчага бирдек манзур бўлмоқда.

Туманда қишлоқ хўжалигида фойдаланиладиган ерлар ҳажми 177900 гектар бўлиб, тармоқда ҳам ҳар йили салмоқли муваффақиятлар қўлга киритилмоқда. Аграр соҳада олиб борилаётган изчил ислоҳотлар самараси ўлароқ, Бўстонлиқда ҳам янги-янги мулк, ер эгалари қатлами шаклланди. Натижада мустақил, юридик мақомга эга бўлган фермерлар сони ўтган йиллардагига нисбатан қарийб 4 баравар ортди. Ғаллачилик, пиллакорлик, мева-сабзавотчилик ҳамда чорвачиликда туман деҳқонларининг ўзига хос тажриба ва довруғи бор.

Кейинги йилларда туманда ободонлаштириш борасида қилинаётган ишлар, янги лойиҳа ва режалар кўлами ҳам ортиб бормоқда. Айни пайтда туманга кираверишдаги Озодбош-Ғазалкент автойўли тубдан таъмирланиб, энига 18 метргача кенгайтирилди. Йўл бўйлаб 36 километрдан ортиқроқ масофага темирбетон лотоклар қўйилди, янги симёғочлар, ёритиш воситалари ўрнатилди. Шаҳар ва қишлоқларга элтувчи ички йўллар, пиёдалар йўлакчалари таъмирланди, 30 га яқин янги бекатлар қурилиб, фойдаланишга топширилди. Тошкент-Чимён-Чорвоқ магистралининг бугунги ҳолати ҳар қандай инсоннинг ҳавасини келтириш табиий. Бу каби саъй-ҳаракатлар мунтазам давом этиб, қамрови кенгайиб бормоқда.

Туманнинг ижтимоий объектлари қиёфаси, соғлиқни сақлаш, маданий ҳордиқ чиқариш, таълим-тарбия муассасалари фаолияти ҳам замонавий талаблар даражасига келтирилмоқда. Ўтган икки-уч йил ичида туманда янги иккита касб-ҳунар коллежи, иккита мактаб, 5 та қишлоқ врачлик пункти қуриб, ишга туширилди. Шу билан бирга ҳозиргача мавжуд бўлган ана шундай иншоотларнинг барчасини таъмирлаш, хизмат кўрсатиш шароитларини яхшилашга катта эътибор қаратилмоқда.

Мухтасар қилиб айтганда, бугун Бўстонлиқ янгиланиш ва яшариш довонини босиб ўтмоқда. Бугун ана шу довоннинг нурли манзиллари, истиқлол, ислоҳот бераётган янги имкониятлар, инсонларнинг онгу шуури, тафаккуридаги ўзгаришлар хусусида фахру ифтихор билан ҳикоя қилсак арзийди.

## Мустақилликнинг 15 йиллигига




*Сарҳисоб*

## ЭЛНИНГ ЭЛАГИДАН ЎТГАНЛАР КИМ?

**Эркин фуқаролик ва ҳуқуқий-демократик жамият барпо этиш йўлидан бораётган мамлакатимизда халқнинг азалий қадриятлари, ҳақиқий инсонпарварлик хусусиятларини ўзида мукаммал акс эттирадиган маҳаллаларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни ва аҳамиятини ошириш, миллий қадрият ва анъаналарни, ўзаро меҳр-оқибат туйғуларини мустаҳкамлашдаги нуфузини кўтариш борасида кўламли ишлар олиб борилмоқда.**

Айни кунларда якунига етган ўзини ўзи бошқариш идораларига сайловлар ана шу эзгу мақсад йўлидаги дадил қадамлардан бири бўлди. Муҳим ижтимоий-сиёсий воқеа сифатида кенг омманинг диққат марказида бўлган фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови Юртбошимизнинг маҳалла тепасида обрў-эътиборли, ҳалол ва пок одамлар туриши кераклиги ҳақидаги мулоҳазаларининг амалдаги исботи бўлди, десак асло янглишмаймиз.

Бу жараён вилоятимизда ҳам очиқ-ошкоралик, демократик тамойиллар асосида уюшқоқлик билан кечди. Сайлов якунлари ҳақида «Маҳалла» жамғармаси Тошкент вилояти кенгаши раиси Тўлқин Миркомилов қуйидагиларни сўзлаб берди:

— Шу йилнинг 5 майидан 16 июнигача давом этган сайлов жараёни «Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида»ги Қонун асосида ташкил этилди. Вилоятдаги 1458 та маҳалла, қишлоқ ва қўрғон фуқаролар йиғинларидан 4374 нафар номзод тавсия этилган эди. Қонунда таъкидланганидек, номзодлар орасидан энг муносиблари, халқнинг ишончини қозона олган обрў-эътиборли, маълумотли, шунингдек, ҳаётий тажрибага, ташкилотчилик қобилиятига эга бўлган фуқаролар танлаб олинди. Натижаларга кўра 1458 нафар фуқаролар йиғини раисларидан эллик фоизи олий маълумотли, ўттиз фоизи ўрта махсус ва йигирма фоизи ўрта маълумотли эканлиги маълум бўлди. Жамоатчилик асосида иш олиб борувчи 534 маҳалла оқсоқоллигига сайланганларнинг ўттиз тўрт фоизи олий, қолганлари ўрта махсус ва ўрта маълумотли кишилардир. Оқсоқолликка сайланганларнинг аксарияти ўқитувчи ва бошқа гуманитар соҳа вакиллари, шунингдек, муҳандис, агроном, иқтисодчилардан иборат. Раисликка сайланганларнинг 171 нафари, 10819 маслаҳатчининг 3596 нафари аёллардир. Яна бир қизиқарли ҳолат: сайланганлар орасида эллик ёшдан олтмиш ёшгача бўлган фуқаролар кўпчиликни ташкил этди. Қирқдан эллик ёшгача 446, олтмиш ёшдан юқори бўлганлар 276, қолган 94 нафари қирққача бўлган ўрта ёшли кишилардир.

Муҳими, етарли ҳаёт тажрибаси, ташкилотчилик қобилияти, фидойилиги, билимдонлиги билан халқ ишончини қозонган инсонлар бундай масъулиятли вазифага лойиқ деб топилди. Айниқса, Ўртачирчиқ, Оққўрғон, Паркент, Оҳангарон туманлари, Бекобод, Олмалиқ шаҳарларида сайловларга пухта тайёргарлик кўрилганлиги боис аҳолининг фаоллиги юқори даражада бўлди. Тўғри, айрим жойларда, жумладан, Қибрай туманининг Салор, Чиноз туманининг Иттифоқ ва Пскент туманидаги Керовчи қишлоқ фуқаролар йиғинларида сайловлар маълум сабабларга кўра белгиланган вақтда ўтмай қолди. Лекин асосли текширувлар натижасида камчиликлар бартараф этилди.

Қисқаси, ошкоралик, ижтимоий адолат, инсонпарварлик, тенглик тамойиллари асосида иш юритишга қодир, ҳақиқий жонкуяр, йиллар давомида ўзининг хайрли ишлари билан элнинг назарига тушган, таъбир жоиз бўлса, элнинг элагидан ўтган муносиб инсонлар вилоятимиз маҳалла, қишлоқ ва шаҳарчаларининг янада гуллаб-яшнашида ҳормай-толмай меҳнат қиладилар, деб ишонч билан айта оламиз.

**Сайёра РИХСИЕВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

## ҚАДОҒИ ТАЛАБГА ЯРАША

***Олмалиқдаги «Аммофос» очиқ акциядорлик жамиятида қўл меҳнатини камайтириб, илғор технологиялар татбиқ этиш ҳисобига ишлаб чиқариш жараёнлари енгиллашиб, иш унумдорлиги ошиб бормоқда.***

Яқинда корхонада кимёвий ўғитларни қадоқловчи янги ускуна ишга тушди. Айни вақтда 0,5-5 килограммгача сиғимда қадоқланган бу маҳсулотларга талаб ортиб, улар буюртмачиларга ўз вақтида етказиб берилмоқда.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА.**

## МАҲАЛЛАДА ЭКОЛОГИК ОРОМГОҲ

***Қибрай туманида фаолият бошлаган «Чашма» нодавлат-нотижорат ташкилоти ибратли ташаббус билан чиқди.***

Унинг саъй-ҳаракати билан Оққовоқ қишлоқ фуқаролар йиғинидаги «Ёшлик» маҳалласида экологик оромгоҳ ташкил этилди. Ташаббусни туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамда «Маҳалла» хайрия жамғармаси қўллаб-қувватлади.

Бундан кўзланган асосий мақсад, оромгоҳда дам олувчи ўғил-қизларга экологик таълим-тарбия бериш, уларда она-табиатга нисбатан меҳр-муҳаббат уйғотишдир.

Таътил кунлари икки ҳафта мобайнида 40 нафар кам таъминланган оила фарзандлари туманнинг хушманзара гўшаларига сафарга чиқишади. Она табиат ва олам гўзалликлари билан яқиндан танишишади.

**Феруза ТЎРАЕВА.**

## ЎСМИРЛАР БЕЛЛАШДИ

***Тошкент денгизида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўсмирлар ўртасида ўтказилган мамлакат биринчилигида 16 ёшгача бўлган юз йигирма нафардан зиёд спортчи ғолиблик учун куч синашди.***

Қизлар ўртасида байдаркада эшкак эшиш беллашувларида Республика олимпия захиралари коллежи вакиласи Олеся Кудрина 200, 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган беллашувларда маррага биринчи бўлиб келди.

Ўсмирлар ўртасида ҳам мазкур коллеж талабаси Алексей Мачалов 500 ва 1000 метр масофага ўтказилган баҳс ғолиби бўлди.

Каноэда эшкак эшиш бўйича олтин медаллар Чирчиқ олимпия захиралари коллежи шарафини ҳимоя қилган Элдўст Абдуллаев ҳамда "МҲСК" жамоаси вакили Филипп Морозовга насиб этди.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

## ОЙЛИК ТАДБИР САМАРАСИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига мувофиқ шу йил 1 июндан 1 июлга қадар мамлакатимизда "Ҳаракат хавфсизлиги ойлиги" ўтказилди.**

Ўзбекистон Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бош бошқармасидан ЎзА мухбирига маълум қилишларича, ҳаракат хавфсизлиги ойлигида амалга ошириш кўзда тутилган тадбирлар режаси тўла бажарилган. Бунда ойликнинг ҳар ўн кунлик натижалари таҳлил қилиниб, аниқланган камчиликлар бўйича тезкор чора-тадбирлар кўриб борилгани ўз самарасини берди.

Ҳаракат хавфсизлиги ойлигига ички ишлар идораларининг 5 мингдан зиёд, жумладан, қарийб 2,5 минг нафар давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ходими жалб этилди. Тадбирнинг моҳияти ҳақида корхона, идора ва ташкилотлар, таълим муассасалари ва маҳаллаларда кенг кўламда тушунтириш ишлари олиб борилди. Йўл ҳаракати қоидабузарлиги бўйича тузилган маъмурий ҳужжатлар маҳаллаларда ва меҳнат жамоаларида муҳокама этилди.

Болаларнинг кўча ва йўллардаги хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мактабгача тарбия муассасалари ҳамда ёзги дам олиш оромгоҳларида 6 мингга яқин учрашув ва суҳбатлар ташкил этилди. Мактаб ва мактабгача таълим муассасалари, ёзги дам олиш оромгоҳлари атрофидаги автомобиль йўлларида постлар ташкил этилиб, ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш чоралари кўрилди.

Мамлакатимизнинг 13 минг 589 километр автомобиль йўли ва йўл иншоотлари кўрикдан ўтказилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан тегишли ҳокимликлар ва идораларга 382 тақдимнома киритилди. Тадбир самарадорлигини ошириш, йўл ҳаракати қоидаларига риоя қилиш ишлари қандай ташкил этилганини ўрганиш мақсадида манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда тузилган 285 махсус гуруҳ томонидан 8 мингга яқин рейд ўтказилди.

**Б.НОРБОЕВ,**
**ЎзА мухбири.**

**Мамлакатимизда ногирон болалар ўртасида халқаро «Мафтункор ранглар дунёси» танловини ўтказиш анъанага айланган.**

## МЕҲРДАН НУР ОЛГАН ЖИЛО

Паркент туманидаги «Қўшчинор» маданият ва истироҳат боғида ногирон болалар ўртасида XI халқаро «Мафтункор ранглар дунёси» кўрик-танловининг вилоят босқичи ўтказилди. Унда танловнинг шаҳар ва туман босқичлари ғолибларидан 63 нафари иштирок этди. Улар қарийб икки соат давомида юртимизнинг бетакрор манзаралари, она Ватан, Мустақиллик, табиатни асраб-авайлаш ҳақида ўз тасаввурларини қоғозга туширдилар. Иштирокчилар иқтидорини мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати муносиб баҳолаб борди.

Якуний натижаларга кўра, Чирчиқ шаҳридан Асал Доспанова, Чиноз туманидан Зуҳра Анварова, Қибрай туманидан Александра Плогникова, паркентлик Умида Худойберганова, Янгийўл шаҳридан Нодира Холдорова, Рузана Галимова, Бўстонлиқ туманидан Вероника Тен, ўртачирчиқлик Умид Аҳмедовлар ғолиб топилиб, 2-4 август кунлари Юқоричирчиқ туманида ўтказиладиган халқаро танловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритдилар.

Тадбирда ғолибларга ва барча иштирокчиларга ҳомийлар — вилоят касаба уюшмалари Кенгаши, вилоят меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, халқ таълими, маданият ва спорт ишлари, солиқ бошқармалари, «Маҳалла», «Соғлом авлод учун», «Ногиронлар» жамғармалари, «Тасвирий ойина» ижодий уюшмаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлимларининг совғалари топширилди.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА.**



***СУРАТДА:*** *танловдан лавҳа.*

**Еркебой БОТИРОВ олган сурат.**

## САҲНАДА ТИББИЁТ МАЛИКАЛАРИ

**«Ҳамшира — 2006» кўрик-танловининг Қибрай туман босқичига ҳар қачонгидан катта тайёргарлик кўрилди.**

Танловни ташкил этишда туман хотин-қизлар қўмитаси, марказий шифохона, «Маҳалла» хайрия жамғармаси, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Саломатлик» марказининг туман бўлимлари ҳамкорлик қилишди. Иштирокчилар ўзи ва туманини таништириш, Ўзбекистон тарихи ва мутахассислиги бўйича билимлар синови ҳамда анъанавий кўрик шартлари бўйича баҳслашишди. Барча шартларни қойилмақом тарзда бажарган марказий шифохона ҳамшираси Дилшода Султонова 1-ўрин соҳибасига айланди. Энди у танловнинг вилоят босқичида иштирок этиш учун йўлланмани қўлга киритди. Кейинги ўринлар Она ва бола маркази вакили Муштарий Йўлдошева ҳамда Оққовоқ қишлоқ врачлик пункти ходимаси Дамира Бекпўлатовага насиб этди.

Шунингдек, танлов давомида «Меҳрибон тиббий бека — 2006» беллашуви ҳам ташкиллаштирилди. Унда Дилфуза Туякова, Феруза Иброҳимова ҳамда Адолат Исломоваларнинг иштироки ҳакамлар томонидан юқори баҳоланди.

Ғолиб ва совриндорлар эсдалик совғалар ва фахрий ёрлиқлар билан тақдирланишди.

**Хуршида МЎМИНОВА.**

## СОЛИҚҚА ОИД ЛОЙИҲАЛАР ТАҚДИМОТИ

**Тошкентда БМТ Тараққиёт Дастурининг "Солиққа оид лойиҳалари" тақдимоти бўлиб ўтди.**

Тақдимот маросимида сўзга чиққан иқтисодиёт вазирининг биринчи ўринбосари Галина Саидова, ҳамкорлик доирасида мамлакатимиздаги хорижий давлатлар элчихоналари, халқаро ва савдо ваколатхоналарининг БМТ ТД "Солиққа оид лойиҳалари" хусусидаги бохабарликни ошириш муҳим ўрин тутишини таъкидлади.

**«Туркистон-пресс».**

## ЯҚИН ҲАМКОРЛИК

**«Шарқ-Ғарб» институтининг (East West Institute) Брюсселдаги марказида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги наркотиклар назорати бўйича Миллий ахборот — таҳлил маркази томонидан нашр этилган Марказий Осиё минтақасида гиёҳванд моддалар билан боғлиқ вазият тўғрисида ахборот бюллетени тақдимоти бўлиб ўтди.**

Унда Европарламент депутатлари, Европа Иттифоқи Комиссияси, Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар миссиялари ходимлари, Брюсселдаги таҳлилий ва илмий тадқиқот марказлари экспертлари иштирок этди.

«Шарқ-Ғарб» институти вице-президенти, низоларни бартараф этиш бўйича дастур раҳбари элчи О. Хенниг тақдимотни очар экан, Ўзбекистон халқаро наркотрафик ва у билан чамбарчас боғлиқ трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши курашда халқаро ҳамжамиятнинг муҳим шеригидир, деб таъкидлади.

**«Жаҳон» АА.**

# Бўстонлиқ тумани: ҲАР ГЎШАСИ МЎЪЖИЗА

## 2. ТАДБИРКОРЛАР КЎКСИДА ҒУРУР

***Мустақилликда кечган ўн беш йил Бўстонлиқ тумани ҳаётининг барча жабҳаларида ўсиш, ривожланиш даври сифатида ўзига яраша из қолдирди. Иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш жараёнида саноатни ҳар томонлама ривожлантириш масаласига устувор йўналиш сифатида алоҳида эътибор берилмоқда. Натижада, бугунги кунга келиб, Бўстонлиқ саноат маҳсулотлари ва халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш бўйича вилоятдаги етакчи туманлардан бирига айланди.***

**Мустақилликнинг 15 йиллигига**

Туман ҳокимлиги хорижий инвестицияларни имкони борича кўпроқ жалб этиш орқали қўшма корхоналар сафини кенгайтириш, маҳсулотнинг салмоқли қисмини халқаро бозорга чиқариш ва шу тариқа мамлакатимиз экспорт салоҳиятини кўтаришга ҳаракат қилмоқда.

Ҳозирги кунда туманда «Конвин», «Бўстонлиқсут», «Golden Wing» каби бир қатор қўшма корхоналар ишлаб турибди. Уларнинг фақат маҳаллий хом ашё ҳисобига фаолият юритаётгани ва бутловчи қисмлар ҳам туманнинг ўзида тайёрланаётгани кўплаб қўшимча иш ўринлари очилаётганидан ташқари валюта тежаш имконини ҳам бераётир.

Биргина Ғазалкент консерва заводининг ўзида 800 миллион доллар валюта тушумига эришилди. Бу йилги режа эса қарийб 1,5 миллиардни ташкил этмоқда.

Бугун бу ерда мева-сабзавотлардан иборат 40 турдаги консерва маҳсулотлари тайёрланмоқда. Маҳсулот 100 фоиз экспортга чиқарилмоқда. Асосий харидор МДҲ давлатлари бўлмоқда. Айниқса, томат пастаси, мева шарбатлари ва консерваланган салатларнинг бозори чаққон бўлаётир.

— Маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми йилдан йилга ўсмоқда, — дейди корхона раҳбари Фахриддин Умирбоев. — Бу йил ҳам биргина помидор сотиб олиш бўйича тумандаги фермер хўжаликлари билан 28 минг тонна маҳсулотга шартнома туздик. Албатта, иш кўламининг кенглиги ўзига хос масъулият талаб этади. Боғбонлар эса 2 минг тонна мева етказиб берадиган бўлишди. Хўжаликларга аванс тариқасида 250 миллион сўмлик минерал ўғит, Италиядан келтирилган «АТ — 70/14» навли помидор уруғини тарқатдик.

— Маошларимиз ўртача 50-60 минг сўмни ташкил этади, — дейди лаборатория мудираси Гулбар Мирзаева. — Энг асосийси корхонамизда ишчиларнинг ижтимоий муҳофазасига алоҳида эътибор қаратилади.

Яқинда бу ерда янги Ўзбекистон-АҚШ қўшма корхонаси иш бошлаш арафасида турибди. Корхона ишга тушгач, яна кўплаб иш ўринлари очилади, маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми, сифат даражаси ошади.

Ҳозирда тўла қувват билан ишлаётган қўшма корхоналардан яна бири «Бўстонлиқсут»дир. Бу ерда тозаланган сут, қатиқ, творог, сметана каби бетакрор таъмли, харидоргир маҳсулотлар тайёрланиб, «Бўстонлиқсут» тамғаси билан эл-юрт дастурхонига етиб бормоқда.

Ўтган йили 4,6 минг тонна сут қайта ишланган бўлса, бу йил ушбу кўрсаткични янада ошириш режалаштирилган.

Бўстонлиқ довруғини таратаётган йирик қўшма корхоналардан яна бири «Golden Wing»дир. 1997 йилда Ўзбекистон ва туркиялик ишбилармонлар ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур корхонада асосан бройлер жўжалар боқилиб, истеъмолчиларга етказилади.

— Жўжалар 40-45 кунда етилади, — дейди парваришлаш бўлими ишчиси Зоҳира Алимқулова. — Шу муддатда улар 1,5 килограммгача гўшт қилади. Оладиган маошимиз ишимиз унумдорлигига қараб, рағбатлантириш асосида тўланмоқда.

— Дастлабки йилларда бу ерда бор-йўғи 40 киши меҳнат қиларди, — дейди корхона раҳбари Мехмет Али Дерия. — Ҳозир ишчиларимиз сони 200 нафардан ошди. Маҳсулот тайёрлаш ҳам шунга яраша ортиб бормоқда. Ўтган йили 800 тонна парранда гўшти сотилган бўлса, бу йил 1000 тонна маҳсулот тайёрлашни кўзлаб турибмиз.

Мамлакатимиздаги жуда кўп бино ва иншоотларни безашда тумандаги «Кинертош» корхонаси маҳсулотларига талаб юқори бўлмоқда. У ерда мармар ва гранитдан турли буюмлар ишлаб чиқарилмоқда.

— Корхонамиз ўз ихтисоси бўйича нафақат республикамизда, балки Марказий Осиёда ҳам ягона, — дейди бош директор Евгений Думин. — Бу ерда энг замонавий асбоб-ускуналар ўрнатилган бўлиб, уларда 2х3 квадрат метрли мармар ва гранит плиталари тайёрланади. Корхонада 60 нафар киши иш билан таъминланган бўлиб, йилига 20 минг квадрат метр миқдорида маҳсулот ишлаб чиқарилмоқда.

Иқтисодий барқарор корхоналардан яна бири – «Энергоқурилишиндустрия»да ишлаб чиқарилаётган йиғма темир-бетон маҳсулотлари — турли ҳажмдаги плиталар, фундамент блоклари, колонналар, юқори қувватли электр тармоқлари учун устунлар, шунингдек, норудавий маҳсулот ҳисобланган қум, тош майдаси, шағал, керамзит маҳсулотлари ҳам юртимизда амалга оширилаётган бунёдкорлик ишларида қўл келмоқда. Бу ерда ҳам ишлаб чиқариш ҳажми йилдан-йилга ортиб бормоқда. Масалан, 2001 йилда иқтисодий кўрсаткич 1 миллиард 337 сўмни ташкил этган бўлса, 2005 йилга келиб эса, 3 миллиард 816 сўмга етказилди.

Сирасини айтганда, бугун туманда саноат, ишлаб чиқариш соҳалари изчил ривожланиб бормоқда. Йирик корхоналар қаторига кичик хусусий корхоналар ҳам қўшилмоқда. Мамлакатимизда тадбиркорлик, кичик бизнесни ривожлантириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотлар туманда жадал одимламоқда.







*СУРАТЛАРДА: «Энергоқурилишиндустрия» шўъба корхонаси цех бошлиғи (чапда) Фарҳод Аброров муҳандис Рўзимат Холметов билан ишлаб чиқариш жараёнларини кузатмоқдалар; «Ғазалкентконсерва» акциядорлик жамияти технологи Суръат Рўзметов ва ишчи Севара Нораллиева маҳсулот сифатини кўздан кечирмоқдалар; «Бўстонлиқсут» қўшма корхонаси операторлари Ергази Дусенов ва Дилфуза Исломова қадоқлаш цехида.*

---

# КОМПЬЮТЕР ТЎПЛАМЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

***Ўзбекистон Халқ таълими вазирлигида Россия Федерациясининг юртимиздаги элчихонаси томонидан мазкур вазирликка компьютер жиҳозлари тўпламларини топшириш маросими бўлиб ўтди.***

Айни вақтда соҳада мамлакатимиз ва Россия ўртасидаги алоқалар тобора мустаҳкамланаётгани эътиборга моликдир. Ўқитувчи ва педагоглар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, ўқувчиларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш, мактаблар ва оромгоҳлар кутубхоналари захирасини ўқув, услубий ва бадиий адабиётлар билан тўлдириш борасидаги хайрли ишлар бунинг амалий тасдиғидир.

Вазирликка топширилган компьютер тўпламлари Республика Таълим марказида ташкил этилажак Янги педагогик технологияларни синаш ва жорий этиш марказига ҳамда юртимиздаги умумтаълим мактабларига етказилиши кўзда тутилган.

# УЧИНЧИ БОСҚИЧГА БАҒИШЛАНДИ

***Абдулла Авлоний номидаги Халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури учинчи босқич вазифаларини амалга оширишда таълим нашрларининг ўрни» мавзуида семинар-кенгаш бўлиб ўтди.***

Семинарда Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг учинчи босқичида белгиланган вазифалар натижаси ўлароқ, таълим-тарбия жараёнини янада такомиллаштириш, ўқитувчилар малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш, умумтаълим муассасалари моддий-техник базасини мустаҳкамлаш баробарида, бу жараённи оммавий ахборот воситаларида атрофлича ва кенг кўламда ёритиб боришда таълим нашрлари мавзуга юксак масъулият ва маҳорат билан ёндашишлари зарурлигига алоҳида эътибор қаратилди.

# ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

***Ёзги таътил давомида Тошкент вилоятидаги 14 оромгоҳда 14 минг нафардан зиёд ўғил-қиз ҳордиқ чиқаради.***

Вилоят касаба уюшмалари ташкилотларидан маълум қилишларича, саксонта мактаб ҳамда касб-ҳунар коллежлари ҳузурида ҳам кундузги оромгоҳлар ташкил этилган. Ўн минг нафардан ортиқ ўғил-қиз ана шундай масканларда дам олади.

Мавсумда меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари ҳамда боқувчисини йўқотган оила фарзандларидан 300 нафарининг бепул дам олиши кўзда тутилган.

**ЎзА.**

---

*Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик*

# ПИРОВАРД МАҚСАД – ЖАҲОН БОЗОРИГА ЧИҚИШ

**Мамлакатимизда брезентга талаб доим катта бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Бу маҳсулот халқ хўжалигининг кўпгина тармоқларида, айниқса, пахта саноатида кўп ишлатилади. Мутахассисларнинг ҳисоб-китобларига қараганда яқин вақт ичида брезентга бўлган эҳтиёж 11 миллион квадрат метрдан ошар экан.**

Тадбиркор Мирсамад Одилов ўз фаолиятини бошлашдан олдин шуни ҳисобга олиб, каноп етиштириш ва уни қайта ишлаш соҳасида бирга ишлаган ҳамкасблари билан маслаҳатлашди ва брезент ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш бўйича бир тўхтамга келдилар. Бунинг учун Юқоричирчиқ туманида ихтисослашган «SINBAD-TEKS» корхонаси барпо этилиб, ишга туширилди.

1997 йилда иш бошлаган бу кичик тадбиркорлик корхонаси ишлаб чиқариш қувватини йил сайин ошириб борди. Кейинчалик масъулияти чекланган жамиятга айланди. Маҳсулот ҳажми ва турлари кўпайди. Ҳозирги вақтда жамоа уч хил маҳсулот ишлаб чиқармоқда. Брезент, фильтрлаш, иш кийимларини тикишга мўлжалланган газмол, пахта бунтлари устига ёпиладиган тент буюртмачиларга етказиб берилмоқда.

Чет элдан келтириладиган бундай маҳсулотлар асосан маҳаллий хом ашёлар ҳисобига тайёрланмоқда. Пахтанинг энг паст нави ва уни қайта ишлашдан ҳосил бўладиган чиқиндидан фойдаланиляпти. Бунинг устига ишлаб чиқариш чиқитлари ҳам тўла қайта ишланаяпти. Маҳаллий хом ашё ва мавжуд асбоб-ускуналарни қайта тиклаш ва қисман таъмирлаш асосида ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг таннархи ҳам арзон бўлаяпти, сифат бўйича талабларга жавоб бермоқда.

Корхона маҳсулотлари харидоргир бўлиб, омборларда туриб қолмаяпти. Буюртмачилар сафи эса тобора кенгаймоқда. Улар орасида Олмалиқ ва Бекободдаги металлургия комбинатлари, Ўзбекистон темир йўллари давлат компанияси, ўнлаб пахта саноати корхоналари бор.

Ишлаб чиқаришни замонавий техника воситалари билан ускуналаш давом эттириляпти. Олинган фойданинг асосий қисми шу мақсад учун сарфланяпти. Чунончи, бу йил янги тўқув, йигирув ва бошқа дастгоҳлар келтирилиб, ўрнатилди.

Корхона 2004 йилда буюртмачиларга 28 минг 600 квадрат метр брезент етказиб берган бўлса, ўтган йили бу кўрсаткич 46 минг 500 квадрат метрдан ошди. Даромад эса 66 миллион сўмдан 224 миллион сўмга кўтарилди, соф фойда 56 миллион сўмга етди. Йилнинг ўтган даврида мижозлар билан 500 миллион сўмлик маҳсулот етказиб бериш бўйича шартномалар тузилди. Шунинг ўзидан давлатга 65 миллион сўм солиқ тўланади.

— Мамлакатимизда брезентга бўлган эҳтиёжни қондиришга оз бўлсада ҳисса қўшаётганимиздан мамнунмиз, — дейди корхона бош бошқарувчиси Мирсамад Одилов. — Шу билан бирга ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун барча имкониятларни ишга солишга ҳаракат қиламиз. Жумладан брезент тайёрлашни яқин вақт ичида йилига бир миллион квадрат метрга етказишни мўлжаллаганмиз. Бунинг учун қатор янги қувватлар ишга туширилади, қўшимча ишчи ўринлари очилади. Ҳозирги вақтда жамоамиз сафида олтмиш нафар ишчи-хизматчи ишламоқда. Уларнинг кўпчилиги уй ишлари билан шуғулланувчи хотин-қизлар ва ёшлардир. Келгусида ишчилар сонини 150 нафарга етказамиз. Маҳсулотимизнинг техник-иқтисодий кўрсаткичларини яхшилаб, ташқи бозорга ҳам чиқамиз.

**Собир МАҲМУДОВ.**

---

*Ҳуқуқий маслаҳат*

# ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИНИ БОШЛАМОҚЧИМИСИЗ?

**Марҳамат, ҳуқуқий маслаҳатларимиздан фойдаланишингиз мумкин**



Юртимизда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдираётганлар сафи тобора кенгайиб бормоқда. Айрим фуқаролар бунинг учун қандай ҳужжатларни расмийлаштиришни яхши билмаганликлари туфайли баъзан қийинчиликларга дуч келмоқдалар. Шундай бўлмаслиги учун зарур маълумотларни баён этишни лозим топдик.

Аввало шуни таъкидлаш керакки, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ташкил қилиш учун барча қулай шарт-шароитлар яратилган, сунъий тўсиқларга мутлақо йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 24 майдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатига олиш ва ҳисобга қўйишнинг хабардор қилиш тартибини жорий этиш тўғрисида»ги қарори бу масалада янада мақбул имкониятларни юзага келтиради.

Янги қарорга мувофиқ ариза-хабарнома берган пайтдан бошлаб тадбиркорлик субъектини давлат рўйхатига олиб, шу ҳақдаги гувоҳномани беришгача ўтадиган муддат икки иш кунидан ошмаслиги лозимлиги қатъий белгилаб қўйилди. Шунингдек, қарор ижросини таъминловчи идора ва ташкилотларнинг моддий-техник базасини янада мустаҳкамлаш, жумладан, компьютерлаштириш, электрон почта алоқаси ва шунга ўхшаш бошқа замонавий техника воситалари билан жиҳозлаш масалаларига эътибор қаратилган.

Эндиликда тадбиркорлик фаолиятини бошламоқчи бўлган фуқаро ҳужжатларни расмийлаштириш учун ортиқча вақт сарфлаб юрмайдиган бўлди. Фуқарони хабардор қилишнинг янги жорий этилган усули яна бошқа қатор афзалликларга эга.

Шу ўринда, юридик шахс сифатида тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагини билдирган фуқаро ҳокимлик ҳузуридаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш инспекцияси»га қандай ҳужжатлар тўпламини топшириши лозим, деган савол туғилиши мумкин. Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 20 августдаги «Тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга қўйиш ва рухсат берувчи ҳужжатларни расмийлаштириш тартиби тўғрисида»ги қарори билан тасдиқланган Низомнинг 11-12 бандларида бу саволга тўлиқ жавоб берилган. Бу ҳужжатлар тўплами қуйидагилардан иборат:

— тегишли тартибда ариза;

— таъсис ҳужжатларининг нотариал йўл билан тасдиқланган иккита асл нусхаси;

— тадбиркорлик субъектларининг почта манзилини тасдиқловчи ҳужжат;

— энг кам иш ҳақининг беш бароборини, давлат божи ёки рўйхатдан ўтказиш йиғимини тўлаганлигини тасдиқловчи ҳужжат;

— статистика идораси томонидан ташкил этилаётган ташкилотнинг номи тасдиқланаётгани ҳақида маълумотнома;

— ташкил этилаётган ташкилотнинг 3-нусхада муҳр ва тамға эскизлари.

Юқоридаги Низомга асосан хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар Адлия вазирлиги ва жойлардаги вилоят адлия бошқармалари томонидан давлат рўйхатидан ўтказилади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг «Бозорни истеъмол товарлари билан тўлдиришни рағбатлантириш ҳамда ишлаб чиқарувчилар ва савдо ташкилотларининг ўзаро муносабатларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига асосан қуйидаги имтиёзлар белгиланган:

— истеъмол товарлари ишлаб чиқарувчи корхоналар истеъмол товарларини ишлаб чиқаришдан олинган даромад (фойда)дан 20 фоиздан камайтирилган ставка билан даромад солиғи тўлайдилар.

— болалар учун товар ишлаб чиқарувчи корхоналар шу товарлардан олинган даромадлардан 7 фоиз ставка бўйича даромад (фойда) солиғи тўлайди.

Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган Низомга асосан тадбиркор давлат рўйхатидан ўтгандан сўнг туман (шаҳар) ҳокимлиги ҳузуридаги рўйхатга олиш идорасига тегишли тартибда ариза ёзиб, газ, сув, телефон, электр тамоқларига уланиш ва таъмирлаш ишларини амалга ошириш учун мурожаат қилиши мумкин.

Бир сўз билан айтганда, фуқаролар тадбиркорлик фаолиятларини бошлашлари учун барча ҳуқуқий асослар яратилган. Фақат ният, ҳаракат астойдил бўлса, бас.

**Бахтиёр ТУРҒУНОВ,**
**вилоят адлия бошқармаси тадбиркорлик ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўлими бошлиғи.**
**Рустам ХУДОЙҚУЛ,**
**журналист.**

---

*Абитуриент — 2006*

# ТЕСТДАН МУВАФФАҚИЯТЛИ ЎТИШ УСУЛИ

***Олий ўқув юртларига тест синовлари бўладиган кун тобора яқинлашмоқда. Қандай қилиб улардан муваффақиятли ўтиш мумкин? Асосийси – мактаб дастурида кўзда тутилган фанларни яхши билиш. Бироқ ҳар доим ҳам шунинг ўзи етарли бўлавермайди. Айрим битирувчиларнинг боши қаерга ўқишга кириш ва имтиҳонларни қандай топширишга оид саволлар билан қотган.***

Бунда илмий-техник ва маркетинг тадқиқотлар маркази, «ИнтСофтСервис» МЧЖ тақдим этаётган хизмат – абитуриентларга олий ўқув юртларига киришда топшириладиган давлат имтиҳон тестлари қўл келиши табиий. Мазкур ташкилотлар йигит-қизларга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази тақдим этган тестларни ахборот базаси асосида on-Line тартибида топшириб, www.ilm.uz сайтида ўз кучини синаб кўришни таклиф этмоқда.

Сайтда таълим соҳасидаги қонунчилик ва меъёрий ҳужжатлар, электрон дарсликлар, маълумотномалар, фойдали ахборотлар, абитуриентларни кириш имтиҳонларига тайёрлаш учун тестдан ўтказиш тизими, турли фанлар бўйича танловлар, янгиликлар бор. Шунингдек, сиз таълим соҳасидаги веб-сайтлар ҳақида маълумотларни топишингиз мумкин.

«Абитуриентлар учун тестлар»дан қандай фойдаланиш мумкин? Бу – 1 августда олинадиган ҳақиқий кириш имтиҳонидаги каби 3 гуруҳда 36 тадан саволга бериладиган жавоблардир. «Фанлар бўйича тестлар» муайян фан бўйича 108 та саволдан иборат. Хуллас, сизни кириш имтиҳонидан олдин тестларни муваффақиятли топширишдан бор-йўғи уч қадам ажратиб туради. Бу қадамларнинг моҳияти нимада?

Сиз ишни, энг аввало, сайтда қийматига қараб бир ёки бир неча марта тест топшириш имконини берадиган махсус карточка сотиб олишдан бошланг. www.ilm.uz карточкаларини матбуот тарқатиш шохобчаларида, Интернет-кафеларда, тезкор тўлов карточкалари сотиладиган жойларда сотиб олиш мумкин.

Шундай қилиб, биринчи қадам: сайтда рўйхатдан ўтинг. «Фойдаланувчилар учун» бўлимида (юқоридаги ўнг бурчакда) «Рўйхатдан ўтиш» тугмачасини босинг. Иккинчи қадам: «Фойдаланувчилар учун» бўлимида рўйхатдан ўтганингиздан сўнг, ўзингиз танлаган логин ва паролни киритинг. Учинчи қадам: тизимга киргач, «Абитуриентлар учун тестлар» ёки «Фанлар бўйича тестлар» бўлимини танланг.

Масалан: «Абитуриентлар учун тестлар»ни танлагач, тегишли маълумотларни киритинг (карточканинг пин-коди). 1-кодга Пинкоднинг биринчи 8 та рақамини, 2-кодга қолган олтита рақамни киритинг. Кейин «Бошлаш» тугмасини босинг.



Бунинг учун ўзингиз кирмоқчи бўлган олий ўқув юртини танланг, «Давом этиш» тугмасини босинг, сўнг мутахассисликни танланг. Сиз танлаган мутахассислик бўйича 3 та имтиҳон фани пайдо бўлади. «Бошлаш» тугмасини босинг. Имтиҳон учун 3 соат берилади. Юқоридаги чап бурчакда вақт ҳисоблаб борилади.

**ЎзА мухбири**
**Виктор НИКОЛАЕВ**
**ёзиб олди.**

Мустақилликнинг 15 йиллигига

Бўстонлиқ тумани:

# ҲАР ГЎШАСИ МЎЪЖИЗА

## 4. ҲАВОСИДАН ДАРД ҚОЧАДИ

**«Ўзбекистон Швейцарияси». Бу таъриф Бўстонлиққа нима учун берилганини унинг баҳаво ва сўлим бағрида бир сония бўлсада ҳордиқ чиқарган инсонгина англаши, ҳис этиши мумкин.**

**Тиниқ сув, тоза ҳаводан симириб, мусаффо осмон остида яшаётган бўстонлиқликлар, бундай бебаҳо масканнинг қадри, келажаги, истиқболи ҳақида нима дейишаркин?**



— Давлатимиз томонидан ёш авлод тарбияси, унинг саломатлигига катта эътибор қаратиляпти, — дейди туман болалар ва ўсмирлар спорт мактаби раҳбари Нурли Нурбоев. — Бу йўлда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар кўламини кенгайтириш учун туманимизда ҳар тарафлама имконият мавжуд. Табиатнинг бебаҳо неъматларидан тортиб, яратилаётган шарт-шароитларнинг барчаси ёшларимизни эмин-эркин, соғлом ва баркамол бўлиб етишишлари йўлида хизмат қилмоқда.



Айни кунда бизнинг болалар ва ўсмирлар мактабида ана шундай соғлом ўсаётган 800 га яқин ўқувчи 4 та спорт тури бўйича ўз маҳоратларини ошириб бормоқдалар. Хусусан, миллий кураш, баскетбол, футбол, бокс уларнинг севимли машғулотлари ҳисобланади. Яратилаётган шарт-шароитлар ва ёшларнинг ўз интилишлари самараси ўлароқ, бугун эришаётган муваффақиятларимиздан ҳар қанча фахрлансак арзийди. Хусусан, кейинги 10 йил ичида бу ерда 12 та спорт устаси, 60 дан зиёд спорт усталигига номзодлар етишиб чиқди.

*СУРАТЛАРДА: марказий шифохона тез тиббий ёрдам бўлими шифокорлари муолажа пайтида; туман ХТБ мудири Норпўлат Қурбонов (ўртада) Галавасой қишлоғи фаоллари ва ёшлари билан янги таъмирдан чиққан 21-мактаб ҳовлисида; тажрибали спорт мураббийси Нурғали Абдураимов шогирди Тоир Исмоиловни навбатдаги ғалабаси билан қутламоқда.*

Мамлакатимиз ва халқаро миқёсда ўтадиган мусобақаларда туман ёшлари муваффақиятли иштирок этиб, юқори ўринларни эгаллаб келишмоқда. Жумладан, 2004 йилда Кореянинг Пусан шаҳрида бўлиб ўтган Осиё ўйинлари мусобақаларида бокс бўйича Бахт Серсекбоев чемпионликни қўлга киритди. Баҳодир Ҳасанов эса ўтган йили бокс бўйича республика чемпионатида 2-ўринни эгаллади. Ҳозирда Осиё ўйинларига тайёргарлик кўрмоқда.




Бу йил ёшлар ўртасидаги республика биринчилиги мусобақаларида Тоир Исмоилов бокс бўйича 1-ўринга лойиқ топилди. Ҳозирда мураббийи Нурғали Абдураимов билан Жаҳон чемпионати баҳсларига астойдил тайёргарликни давом эттирмоқда.

Баскетбол бўйича ўғил ва қиз болалардан иборат мактаб жамоаси вилоятда икки йилдан буён ғолибликни қўлдан бермай келмоқда. Қаршида бўлиб ўтган «Умид ниҳоллари» спорт мусобақаларида Александр Якин «Республикада энг яхши ҳужумчи» деган номга сазовор бўлди ва Президентимиз совғаси билан тақдирланди.

Ёшларни спортга жалб этиш, уларни ҳар тарафлама — ҳам маънан, ҳам жисмонан баркамол қилиб вояга етказишга туман халқ таълими бўлими ҳам ўзининг муносиб улушини қўшиб келмоқда.

— Бугунги кунда туманимизда 28 мингга яқин ўқувчи ёшлар бўлса, уларни ҳар тарафлама фойдали машғулотларга қамраб олганмиз, — дейди туман халқ таълими бўлими мудири Норпўлат Қурбонов. — Бунда қатор жамоат ва давлат ташкилотлари билан қилаётган доимий ҳамкорлигимиз қўл келмоқда. Масалан, «Маҳалла» жамғармаси орқали оқсоқоллар билан ўқувчининг дарсдан ташқари ҳолати кузатиб борилса, ички ишлар ходимлари билан тарбияси оғир болаларнинг юриш-туришини назорат қилиш имкони бор.

Бугунги кунда туманда 51 та умумтаълим мактаби мавжуд бўлиб, «Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий Дастури»га мувофиқ йилига 5 та таълим муассасаси капитал реконструкция қилинмоқда, таъмирдан чиқарилмоқда ва янгилари бунёд этилмоқда ҳамда замонавий ўқув қуроллари, бежирим жиҳозлар билан таъминланмоқда.

— Туманимиздаги табиий шароит аҳолини касал бўлишига кўпда имкон беравермайди, — дейди туман марказий шифохонаси бош шифокори Маъмуржон Саидаҳмедов. — Бироқ, иссиқ жон, дард келганда ҳеч қаерга қочиб қутулиб бўлмайди. Беморларнинг даволаниб, оила бағрига қайтишлари учун марказий шифохонамиз, қолаверса, жойлардаги шифо масканларида барча зарурий шарт-шароит ва имкониятларни ҳозирлаб қўйганмиз. Қишлоқ шифокорлик пунктларида кундузги даволаш ўринлари ташкил этилган. Шошилинч тез тиббий ёрдам бўлими эса фавқулодда ҳолатларга доимо шай.

Туманда аҳоли учун сиҳатгоҳларга йўлланмалар беришнинг асло ҳожати йўқ. Чунки, туманнинг қай манзили бўлмасин, шу ер сиҳатгоҳ, оромгоҳ. Бироқ, шунга қарамай, бу ерда 100 дан зиёд санаторий, профилакторий ва 40 га яқин болалар оромгоҳлари фаолият кўрсатмоқда. Бундай масканларда ҳар йили туман аҳолисидан ташқари вилоятлардан келган 50 мингдан зиёд ишчи-хизматчилар ва 35-40 мингдан зиёд болалар ҳордиқ чиқариб, саломатликларини тиклаб қайтадилар.

Сўзимиз сўнгида эътироф этиш жоизки, бугун Бўстонлиқ ўз номига монанд ҳақиқий бўстон туманга айланган. Унинг меҳнаткаш ва бағрикенг инсонлари она табиатнинг беназир инъомлари ва мустақиллик берган неъматлардан баҳраманд бўлиб, ўзлари суйган юрт — Ўзбекистон келажаги, унинг порлоқ манзиллари сари интилиб, изланиб яшамоқдалар. Бунга биз тумандаги қайноқ ҳаёт, самарали меҳнат жабҳалари мисолида гувоҳ бўлдик.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**Ғайрат ШЕРАЛИЕВ,**
**Даврон АҲМЕДОВ**
**(суратлар),**
**«Тошкент ҳақиқати»**
**мухбирлари.**

● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ● Спорт ●

## ЎН ИККИ ЙИЛ КУТИЛГАН ФИНАЛ

**Футбол бўйича 18-Жаҳон чемпионати ҳам поёнига етиб бормоқда. Биринчи ярим финал баҳсида мезбонлар Италия терма жамоасига қарши майдонга тушишди.**



Учрашувдан олдин италияликлар бош мураббийи Марчелло Липпи ярим финал жамоанинг сўнгги мақсади эмаслигини таъкидлаган эди. Бунга жавобан германияликлар бош мураббийи Юрген Клинсман ўз жамоаси билан фахрланиши ҳамда дарвозабон Йенс Леманнга алоҳида ишонаётганини айтиб ўтган эди. Учрашувнинг асосий вақтида дарвозалар дахлсизлиги сақланди. Ҳакам қўшиб берган 4-бўлимнинг сўнгги дақиқаларида Фабио Гроссо ва Алессандро Дель Пьеро киритган тўплар италияликлар ғалабасини таъминлади. Ўн икки йиллик танаффусдан сўнг Италия яна финалга чиқди.

Малайзиялик мунажжим Дэниэл Чаннинг башорати тўғри чиқадиган кўринади. Чемпионат ўтишига назар ташлаб, ит йилида Бразилия тўрт маротаба, Италия эса икки маротаба жаҳон кубогини қўлга киритганлигини таъкидлаган ҳамда мазкур чемпионатда омади чопган шу икки жамоадан бири ғолиб бўлишини башорат қилган эди.

Иккинчи ярим финал баҳсида Португалия ҳамда Франция жамоалари ўзаро беллашишди.

Учрашувнинг 30-дақиқасигача ҳеч қайси бир жамоа устунликка эга бўла олмади. Аммо португалияликларнинг узоқдан берган зарбалари хавфли тус олиб турди. 33-дақиқада Рикарду Карвалью ўз жарима майдончасида Тьерри Анрини қўполлик билан тўхтатиб қолди. Уругвайлик ҳакам Хорхе Ларрионда белгилаган 11 метрлик жарима тўпини Зидан қойилмақом тарзда дарвозага йўллади. Шундан сўнг португалияликлар кўплаб ҳужумлар уюштиришди. Француз ҳимоячилари эса ишончли ҳимояланишди.

Шундай қилиб, финалда Италия ва Франция жамоалари тўқнаш келадиган бўлишди. 3-ўрин учун бўлиб ўтадиган баҳсда эса Германия ҳамда Португалия жамоалари майдонга тушишади.

## ФИФА ПРЕЗИДЕНТИ КЕЧИРИМ СЎРАДИ

**ФИФА президенти Йозеф Блаттер Португалия ва Нидерландия жамоалари ўртасидаги учрашувни бошқарган Валентин Ивановга берган баҳосидан афсусланганлигини таъкидлади.**

У ортиқча ҳиссиётларга берилиб, ноўрин айблаганлиги учун Ивановдан расман кечирим сўрашини маълум қилди.

Эслатиб ўтамиз, 1:0 ҳисобида якунланган баҳсда Валентин Иванов ўйинчиларга 16 та сариқ ва 4 та қизил карточка кўрсатиб, жаҳон биринчиликлари антирекордини ўрнатган эди. Ивановнинг ишига Португалия ҳамда Нидерландия бош мураббийлари ҳам норозилик билдиришганди. Бироқ, махсус экспертлар таҳлилларига кўра, россиялик ҳакам учрашувни юқори даражада бошқарганлиги маълум бўлди.

## РИЦАРЛИК УНВОНИ БЕРИЛАДИ

**Англиялик футболчи Девид Бекхэм яқин орада ўзига рицарлик унвони берилажагини тан олди.**

Англия терма жамоаси ярим ҳимоячиси ўз фаолиятини Америка клубларидан бирида якунлаш ниятидалигини айтиб ўтди. «Мен Мадриднинг «Реал» жамоасида яна икки мавсум ўйнаб, сўнгра қўшма штат клубларидан бирига ўтаман», деди у. Бекхэмнинг АҚШга кўчиши жаҳон матбуоти орқали бонг урилаётгани футбол оламида ўзига хос шов-шувларга сабаб бўлди.

**Отабек ЭЛТОЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»**
**спорт шарҳловчиси.**

Миробод туманидаги 214-ўрта мактаб томонидан 2000 йилда Назиров Садриддин Хусниддинович номига берилган O'R-A 881962 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ОАО «TOSHKENT TA'MIRLASH-QURILISH» (ОКПО 05952107) Мирабадского района
**ЛИКВИДИРУЕТСЯ.**
Претензии принимаются в течение 2-х месяцев со дня опубликования объявления по адресу: г. Ташкент, ул. Шахрисабз, 21 А. Тел.: 132-09-96.

*Шундан кейин*

### ЭНГ КЕКСА АЖДОД ЁШИ

Ҳозирги инсонларнинг умумий аждоди бундан 2-5 минг йил муқаддам вафот этган, дея таъкидламоқда риёзиётчи Стивен Ольсон.

Олим суперкомпьютер кўмагида башариятнинг «генеалогик шажараси»ни қайта тиклашга уриниб кўрди ва бу шажаранинг барча шохлари пировардида бир отада туташиши керак деган хулосага келди. «Туташув» тезлиги эса, авлодларнинг замин бўйлаб тарқаб кетиши маромига боғлиқ, демоқда тадқиқотчи.

### МАВҚЕИ ИШ БЕРМАДИ

Графиня Уэссекс Софи томонидан ташкил этилган PR агентлик қарзлари туфайли суд қарори билан тугатилмоқда.

Шу тариқа тарихда илк бор суд Британия қироллик оиласи аъзолари ишига аралашмоқда. Тўғри, бундан аввал ҳам графиня бизнеси жанжалга сабаб бўлганди. Ўшанда журналистлардан бири Софининг мижоз нуфузини мустаҳкамлаш учун аслзодалик алоқаларидан фойдаланажаги ҳақидаги ваъдасини ёзиб олган эди.

### ТИЛИНИНГ ФАРҚИ ЙЎҚ

«Йилнинг энг яхши хориж фильми» тоифасида «Оскар» мукофотига тавсия этилажак фильмга бундан буён исталган тилда овоз берилиши мумкин.

Гап шундаки, 2006 йилгача Америка киноакадемияси совринининг бу турига номзод картиналардаги сўзлашувлар экран асари қайси мамлакатдан тавсия этилаётган бўлса, ўша давлат расмий тилида янграши шарт эди.

### ТУСИ ОҚ БЎЛГАНМИКАН?

Замонавий музейлардан жой олган мамонтлар тухуми одатда қўнғир тусли бароқ жун билан қопланган.

Аммо, бу улкан жониворлар аслида оқ, малла ва қора жунли ўтган бўлишлари ҳам мумкин. Олимларнинг фикрига кўра, инсондан тортиб барча сут эмизувчиларда бўлгани каби бу жонзотлар туси ҳам соч рангини белгилаб берувчи ген фаолиятига боғлиқ бўлган.

## ДИҚҚАТ, КИМОШДИ САВДОСИ!

| Т/р | Суд ижрочилар бўлинмаси | Транспорт воситасининг русуми | Ишлаб чиқарилган йили | Давлат рақами | Техник ҳолати | Бошланғич баҳоси | Кимошди савдоси белгиланган сана |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1. | Ангрен шаҳри | МАЗ-5511 | 1999й | 11 AJ 208 | Носоз ҳолда | 2.000.000 | 20.07.06 |
| 2. | | МАЗ-54331 | 1997 й. | 11 AD 098 | Носоз ҳолда | 2.200.000 | 20.07.06 |
| 3. | | МАЗ-54331 | 1997 й. | 11 AD 091 | Носоз ҳолда | 2.200.000 | 20.07.06 |
| 4. | | МТЗ-80 | | | Носоз ҳолда | 550.000 | 14.08.06 |
| 5. | | МТЗ-80 | | | Носоз ҳолда | 550.000 | 14.08.06 |
| 6. | | МТЗ-82 | | | Носоз ҳолда | 650.000 | 14.08.06 |

Кимошди савдосида қатнашиш истагини билдирган шахслар эълонда кўрсатилган шаҳар суд ижрочилари бўлинмаларига, кимошди савдоси ўтказилишига уч кун қолгунга қадар ариза билан мурожаат қилиб, савдога қўйилган автотранспорт воситасининг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида тўловни амалга оширишлари лозим. Аризалар қабул қилиш кимошди савдосига уч кун қолганда тўхтатилади.

Кимошди савдоси Тошкент шаҳри, У. Носир кўчаси, 93-уй, Судлар департаментининг Тошкент вилояти ҳудудий бўлими биносида соат 10.00 да бошланади.

*Ажиб дунё*

## НАЖОТКОР

Баъзи жонзотларнинг ҳатти-ҳаракатини, топқирлигини кўриб, ақлингиз лол қолади, беихтиёр уларга ҳавас қиласиз. Сизларга айтмоқчи бўлганим бу воқеани Сурхондарёнинг Хонжизза деган олис тоғ қишлоғида Авлиёқул акадан эшитган эдим.

— Биз томонларда ҳозирча инсофу диёнат ўлгани йўқ. Уйимизга қулф солмаймиз. Бир ёққа борадиган бўлсак, эшикни каноп ип билан бойлаб кетаверамиз, — деб ҳикоясини бошлади Авлиёқул ака. — Лекин эрта кўкламдан то қора кузгача битта деразамиз очиқ туради. Нега десангиз, Хонжиззада қалдирғоч кўп. Қалдирғоч ин қурмаган уй бехосият саналади.

Бултур бир жуфт қалдирғочга бизнинг меҳмонхона ёқиб қолибди. Улар оғизларида лой ташиб, ҳаш-паш дегунча ин қуришди. Кейин макиёни тухум қўйиб, босиб ётди, нари оғзида егулик ташиб турди. Беш-ўн кунда уядан полапонларнинг чирқиллаган товуши эшитилиб қолди. Энди ота-онаси жўжаларни боқишга ўтди. Мен гоҳо шифтга боқиб, уларнинг учиб-қўнишини кузатиб ўтираман. Ҳар ўн-ўн беш дақиқада — ё нар, ё макиён бирон емиш обкелади, уни уяга сиғмай чийиллаб ётган полапонларнинг оғзига соладию уйни бир айланиб, тағин ташқарига отилади.

Бир куни одатдагидек ёнбошлаб ётувдим, она қалдирғочми, ота қалдирғочми пир этиб учиб кирди. Уясига бориб, болаларига емиш берди. Кейин меҳмонхонани гир айландию безовта бўлиб, тинмай чуғурлай бошлади. Қалдирғоч уйни бир айланиб келиб, ўзини деворга уради, чириллаб сайрайди, яна қаноти билан ненидир уриб туширмоқчи бўлади. Ўрнимдан турдим. Қарасам, шифтга яқин ерда бир илон осилиб турибди. У тилини чиқариб, уя сари аста судралиб боряпти. Мен ҳовлига чиқиб узун ҳода олиб кирдим. Агар илон полапонларга ҳужум қилса, урмоқчи эдим. Бу орада қалдирғоч ўқдай отилиб чиқиб кетди. Бироздан кейин беш-олти шеригини бошлаб қайтиб келди. Қани, улар нима қилар экан, деб қараб турдим. Қалдирғочлар меҳмонхонани бошларига кўтариб вижирлашди. Сўнг бир қалдирғоч илоннинг рўпарасига ниманидир қўндириб қўйди. Мундоқ разм солсам, бешиктерватар экан. У илоннинг кўзларига тикилиб, нари-бери чайқалди, кейин шап этиб илонга чанг солди. Назаримда бир кўзини ўйиб олди. Илон тўлғониб, чекинди. Шу пайт бешиктерватар илоннинг иккинчи кўзига ҳамла қилди. Илон шалоплаб ерга тушди. Мен ирғиб туриб илоннинг бошини босдим, кейин оташкурак билан қисиб, ҳовлига чиқариб ташладим. Қайтиб кирганимда бешиктерватар ҳам, қалдирғочлар ҳам йўқ эди. Чамаси, улар болаларининг халоскорини тағин ўз манзилига олиб кетишган бўлса керак-да.

Авлиёқул ака ҳикоясини тугатар экан, маъюс жилмайди:

— Биз гоҳида бировга яхшилик қилишга келганда ана шу бешиктерватарчалик ҳам бўлолмаймиз. Шуниси алам қилади одамга, меҳмон...

Авлиёқул ака ҳақ эди.

**Саъдулла СИЁЕВ.**

Ангрен шаҳридаги 23-ўрта мактаб томонидан 1995 йилда Рўзматов Абдулло Тошпулатович номига берилган АО 033583 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Шайхонтоҳур туманидаги Алланазарова Зулфия Рахимовна номига 2003 йил 18 июнда берилган 1547 рақамли товар операцияларини ҳисобга олиш дафтари йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Ҳамза туманидаги «Ёнғинга қарши ҳимоя» шўъба корхонасига тегишли (ОКОНХ 61127) думалоқ муҳр ва бурчак штампи йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Юнусобод туманидаги «Хумоюн Сервис» хусусий фирмаси ўзининг устав фондини 654500 сўмдан 650000 сўмга камайтирганлигини маълум қилади.

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 155-27-72 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Утерянный страховой полис ГАА НКЭИС «Узбекинвест» за № 03/402132439 серии А 102634, выданный на имя Еврейское агентство Sohnut и за № 03/621131943 серии А 102383, выданный на имя ЧП «Pansistem»
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянный диплом КТ № 858426, выданный в 1987 году Ташкентским техникумом советской торговли на имя Юлдашевой Саодат Азадовны
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Халқ депутатлари вилоят Кенгаши ва вилоят ҳокимлиги жамоаси кенгаш депутати Адиба Комилжоновна Аҳмеджоновага турмуш ўртоғи
**Тоҳиржон АҲМЕДЖОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этадилар.

Вилоят Хотин-қизлар қўмитаси Халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Адиба Комилжоновна Аҳмеджоновага турмуш ўртоғи
**Тоҳиржон АҲМЕДЖОНОВ**нинг
вафоти муносабати билан ҳамдардлик билдиради.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти ҳокимлиги ҳузуридаги Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-942. Адади 3003. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Умид УБАЙДУЛЛО.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 1 2 3 4 5